
РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Фейсбук ижтимоий тармоғи фойдаланувчиларидан бири Данғара туманида ўзи яшайдиган ҳудуддаги тез ёрдам пункти автомашинаси бузуқ экани ва фермерлардан тамирлаш учун пул йиғилаётгани ҳақида фикрлар ёзган.

Ушбу ҳолат бўйича ишчи рурух томонидан ўрганилганда бундай ҳолат бўлмаганлиги фермерлардан тез тиббий автомашинасини тамирлаш учун пул йиғилмаганлиги аниқланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, туман тез тиббий ёрдам бўлимлари ва шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларига муносиб шарт-шароит яратиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг 19 июль куни вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет ҳисобидан шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига 20 дона, 19 сентябрь куни эса 40 дона “Damas” русумидаги махсус автомашиналар берилди.

Келгусида тез тиббий ёрдам машиналари сонини янада кўпайтириш, техник жиҳатдан эскириб қолган автомашиналарни таъмирлаш ва босқичма-босқич янгисига алмаштириш ишлари давом этади.

2020-10-17 13:28:16